

2025 йил 3-сентябр

2034-йилга келиб полипропилен ишлаб чиқариш учун катализаторлар бозори ҳажми 5,15 миллиард долларгача ўсиши мумкин

Jahon kimyo sanoati xabarlari

2034-yilga kelib polipropilen ishlab chiqarish uchun katalizatorlar bozori hajmi 5,15 mlrd dollargacha o'sishi mumkin



uzkimyosanoat.uz



[@uzkimyosanoat](https://t.me/uzkimyosanoat)



[uzkimyosanoat.uz](https://www.instagram.com/uzkimyosanoat)



[uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat)



[@uzkimyosanoat](https://www.youtube.com/@uzkimyosanoat)

2024-йилда полипропилен ишлаб чиқариш учун катализаторларнинг жаҳон бозори ҳажми 2,29 миллиард долларни ташкил этди, 2025-йилда эса 2,48 миллиард долларгача ўсиши кутилмоқда. Precedence Researchнинг август ойидаги ҳисоботига кўра, 2034-йилга келиб бозор ҳажми 5,15 миллиард долларгача етиши мумкин, бу йиллик ўртача 8,45% ўсиш суръатида рўй беради.

Осиё-Тинч океани минтақаси (ОТОМ) бозорнинг 45% улушини эгаллаган ҳолда жаҳон бозорида устунлик қилади. 2024-йилда бу миқдор пул кўрсаткида 1,03 миллиард долларни ташкил этган. Прогнозларга кўра, 2034-йилга келиб бу ҳажм 2,34 миллиард долларгача етади. Йирик ишлаб

чиқариш қувватлари, ривожланган нефт-кимё инфратузилмаси ва истеъмол ўсиши ушбу минтақанинг етакчи мавқега эга бўлишига хизмат қилади.

Шунингдек, Шимолий Америка энг тез ривожланаётган минтақа сифатида ажралиб туради, бу ҳолатга технологик инновациялар, илғор тадқиқот ва ишланмалар, ҳамда барқарор ривожланиш сари ўсиб бораётган тенденция ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирда минтақа жаҳон бозорининг 27% ни ташкил этади. Европага 23% тўғри келса, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ ва Африка минтақасига 5% тўғри келади. Прогноз қилинаётган давр оралиғида Шимолий Америка энг юқори ўсиш суръатини намоён қилиши кутилмоқда.

Тадқиқот маълумотларига кўра, катализатор турлари орасида Сиглер-Нагта катализаторлари 2024-йилда энг катта улуш - 60% ни ташкил этган. Бироқ, энг тез ўсиш металлоцен катализаторларидан кутилмоқда.

Яқинги фойдаланиш соҳалари бўйича эса 2024-йилда бозорнинг асосий қисмини - 65% ни кадоқлаш сегменти таъминлаган.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2034-yilga-kelib-polipropilen-ishlab-chiqarish-uchun-katalizatorlar-uz-uzkimyosanoat-uz/uz/press/news/2034-yilga-kelib-polipropilen-ishlab-chiqarish-uchun-katalizatorlar-uz>